Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 26 (20.893) 1991 йил 6 февраль, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

МАМЛАКАТНИ ТАНГЛИКДАН КОММУНИСТЛАР ОЛИБ ЧИҚИШЛАРИ МУМКИН ВА ЛОЗИМ

● Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов республика пойтахти партия-совет фаоллари билан учрашди. Учрашув шу кундаги долзарб муаммоларга, КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми якунларига бағишланди.

И. А. Каримов Федерация Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисига якун ясаб, янги Иттифоқ шартномасини имзолаш масаласига батафсил тўхталди. У мамлакатда юз берган вазиятда янги Иттифоқ шартномасини имзолаш кўпгина сабабларга кўра кечиктирилаётганлигини таъкидлади. Энг муҳими — янги федерацияни барпо этиш чоғида унинг иттифоқдош республикалар билан муносабатларини аниқ белгилаб қўйиш, республикаларнинг чинакам мустақиллигига оғизда эмас, балки амалда эришишдан иборат. Бунинг маъноси шуки, ўз ҳудудидаги барча табиий бойликлар ва етиштириладиган маҳсулот республиканинг мулки бўлиши лозим. Иқтисодий танглик кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ушбу палланинг барча қийинчиликларига қарамай, республикалар ўртасида иқтисодий битимлар тузиш жуда муҳимдир. Мустақил республикалар марказ ихтиёрига берадиган ваколатларни қатъий белгилаб қўйиш зарур.

Тенг ҳуқуқли мустақил Совет Социалистик республикалари федерацияси тарзидаги Иттифоқимизнинг келажаги ҳақидаги референдум совет фуқаролари иродасининг эркин ифодаси бўлиши лозим. Ўзбекистон ана шундай Иттифоқ тарафдоридир.

Учрашувда нарх-навони тартибга солиш қоидаларига катта эътибор берилди. И. А. Каримов республикада олдиндан тўла товон тўлаш воситаси ишлаб чиқилмас экан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари нархини ошириш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас, деб қатъий айтди. Айниқса, аҳолининг камбағал табақаларига, пенсионерларга, талабаларга, ўқувчиларга товон тўлаш воситаси пухта ишлаб чиқилиши лозим. Шунда ҳам нон ва булка маҳсулотлари, болаларга мўлжалланган моллар нархи ҳар қандай вазиятда ҳам оширилмайди. Ана шу масалаларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг яқинда бўладиган сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Учрашув чоғида Болтиқбўйи республикаларидаги хатарли вазият таҳлил қилинди. Ҳарбий кучни ишлатмай, фақат музокаралар йўли билан Болтиқбўйидаги аҳволни барқарорлаштиришга эришиш мумкин, деб таъкидланди. Биродаркушликни тўхтатиш, фуқароларни тинч ва осойишта турмушга қайтариш учун келиштириш комиссиялари, сиёсий раҳбарларнинг доимий учрашувлари кўп иш қилиши мумкин.

Форс кўрфазидаги воқеалар хатарли ривожланаётганлиги хусусида алоҳида ташвиш билдирилди, бу воқеалар ҳарбий можаронинг тағин ҳам кучайишига олиб бориши мумкин. Мамлакат раҳбариятига можарони сиёсий ҳал этиш ўзанига буриб юбориш учун фаол ҳаракат қилишга даъват янгради.

Ғоявий ва сиёсий қарамақаршилик кучайган шароитда Коммунистик партия жамиятни жипслаштирувчи куч сифатида муҳим роль ўйнаши лозим, деб таъкидланди учрашувда. Коммунистик партиянинг обрўси аниқ амалий ишларга, кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсатга боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Компартиясининг унинг XXII съезди иккинчи босқичида қабул қилинган Ҳаракат дастури айни шунга қаратилган. Тўла иқтисодий эркинлик чоғида мустаҳкам сиёсий ҳокимиятнинг, қатъий интизом ва тартибнинг бўлиши — бу мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг чинакам йўлидир.

Мамлакатни тангликдан коммунистлар олиб чиқиши мумкин ва лозим — республика Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котибининг Тошкент партия-совет фаоллари билан учрашуви якунини қисқача ана шундай тавсифлаш мумкин.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. С. Ефимов ва Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари баҳор мавсумига тайёргарликни қизғин бошлаб юборишдилар. Илғор хўжаликларда барча асбоб-ускуналар пешма-пеш ремонтдан чиқарилмоқда. Чунончи Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг бош устахонасида ҳам иш ҳар қачонгидан қизғин. Ремонтчилар экин-тикин агрегатларини тезроқ қўлдан чиқариш мақсадида мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Ҳозиргача 34 та чопиқ трактори, 14 та ҳайдов трактори, 24 та транспортер, 18 та плуг, 25 та сеялка мавсумга шай қилиб қўйилди.

Суратда: ремонтчилар ўртасидаги беллашув пешқадамлари Муродулла Абдуллаев, Абдужаббор Ҳусанов, Мухтор-али Ҳамроқуловлар иш устида.

П. Акбаров олган сурат.

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ: МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМАЯПТИ

● Республика қурилиш комплексида юз берган ижобий ўзгаришларга қарамай, тармоқни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш муаммолари сақланиб қолиш билан бирга, баъзан кескинлашмоқда ҳам. Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда шу ҳақда гап борди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари П. Қ. Нўъмонов бошқарди. Кенгашда қурилиш, транспорт ва алоқа комплексига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашда хўжалик алоқалари мувозанати бузилганлиги, бевосита шартномалар тузишдаги қийинчиликлар республика қурувчилари ишига қаттиқ зарба берганлиги таъкидланди. Бошқа вазирликлар ва идораларнинг вакилларидан фарқли равишда улар ўз шериклари билан бевосита мол айирбошлаш асосида ишлаш имкониятига эга эмаслар. Ваҳолонки, ёғоч-тахта, металл, бошқа тақчил материалларсиз Ўзбекистоннинг бутун халқ хўжалигини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал қилиб бўлмайди.

Лекин, ҳар қалай нотиқлар таъкидлаганидек, ҳозирги мураккаб даврда анчагина ишларни амалга оширишга муваффақ бўлинди. Ёқилғи-энергетика, кимёўрмон, қурилиш комплексида катта ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлари ишга туширилди. Тахиатош ва Янгиангрен ГРЭСларидаги, Муборак газни қайта ишлаш ҳамда Ўзбекистон металлургия заводларидаги энергоблоклар шулар жумласидандир. Тошкент чинни заводи, Бухоро пиллакашлик фабрикаси ўз қувватларини анча ошириб, Ўн битта пойабзал фабрикаси маҳсулот чиқара бошлади. Қишлоқларда катта ўзгаришлар юз берди. Бу ерда, хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган ва қайта ишлайдиган ўнлаб корхоналар ишга туширилди. Республикада уй-жойлар ва мактаблар 1989 йилдагига нисбатан кўпроқ қурилди.

Бироқ капитал қурилишдаги аҳвол ҳануз мураккаблигича қолмоқда. Ўтган йил режаси кўпгина кўрсаткичлар бўйича бажарилмади. Республика бир миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондларни кам олди. 3,5 мингта квартира, 2,5 минг ўринли мактаблар, 750 ўринли болалар боғчалари, 750 ўринли касалхоналар, бир кунда 2,5 минг беморни қабул қиладиган поликлиникаларни қуриб битказиш 1991 йилга қолди. 86 та энг муҳим халқ хўжалиги объектидан фақат 40 таси фойдаланишга топширилди. Қуриб битказилмаган бинолар кўпайди. Уларнинг ҳажми олти миллиард сўмликдан кўпроқни ташкил этади...

Буларнинг барчаси қурувчиларнинг бу йилги вазифаларини мураккаблаштиради. Комплексдаги ишлар эса унчалик яхши кетяпти, деб бўлмайди. Амалда айрим корхоналаргина буюртмачилар билан шартномалар тузди, қурилиш материаллари, аввало, ёғоч-тахта ва металл етказиб бериш масаласи мавҳум бўлиб турибди. Қолаверса қурилиш бўлинмаларнинг ўзлари ҳам йил бошида фаоллик қилишмаяпти. Кўпгина муҳим объектларда ҳануз иш бошланган йўқ. Бу эса 1991 йилнинг иккинчи ярмида меъдага теккан манзара — қурилишнинг сифатига эътибор бермай, ишларни ҳайбаракаллачилик билан тезроқ битиришга интилиш такрорланишини билдиради.

Ўзбекистон ССР Биокорлик материаллари саноати вазирлигининг фаолияти тўғрисида алоҳида гап борди. Республика ҳукуматининг қарорига кўра, бу вазирлик зиммасига комплексни ҳозир тақчил бўлиб турган материаллар билан таъминлаш вазифаси юкланган. Лекин бу соҳада ҳам ижобий силжишлар ниҳоятда суст кечмоқда. Хусусан, энг муҳим объектларда саккиз миллион сўмлик иш бажарилмади.

Кенгашда қурилиш комплексининг бир меъёрдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди. Буюртмачилар билан барча шартномаларни 15 февралга қадар тузиш. бу йил ишга туширилади ва келгуси йилга ўтадиган объектларни қуришга дарҳол киришиш зарур деб топилди.

(ЎзТАГ).

Иқтисодиёт янгиликлари

ИШЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

«Андижанводстр о й » трестига қарашли 1-механизациялашган қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари Охунбобоев шаҳрида жойлашган 27-давлат подшипник заводининг иккинчи навбати қурилишини жадал олиб боришяпти. Объект қурилиши бошланганига кўп вақт бўлмаса-да, бинокорлар ҳозиргача 250 минг сўмлик иш бажариб қўйишди. Бу йил эса 1,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддалаш кўзда тутилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтаётганлигимиз йилнинг дастлабки ойлариданоқ кўзга ташланмоқда, — дейди бошқарма прораби Н. Қодиров. — Бироқ қурилиш материаллари етказиб беришдаги эски муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмаяпти. Тўғри, биз ҳам биров ёрдам беришини кутиб, қараб ўтирганимиз йўқ.

Дарҳақиқат, А. Ашуров С. Султонов, С. Мамарозиқов, А. Беккер сингари қурувчилар вақтдан унумли фойдаланиб меҳнат қилишаётир.

Ж. ТОШБОЕВ.
Андижон вилояти.

ҚИШЛОҚДА ТИКУВ ЦЕХИ

Китоб ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, яқинда шу мақсадда давлат хўжалиги маъмурий биносида тикувчилик цехи ташкил этилди. Мазкур цех ишга тушиши билан 80 нафар киши ўз иш жойига эга бўлди.

Янги цехни Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ускуналар билан таъминлади. Корхона мутахассислари қисқа муддатда 26 та дастгоҳни ўрнатиб беришди, тегишли хом ашё муаммосини ҳал қилишди.

Бирлашма аҳли цех жамоасига малакали кадрлар тайёрлаб бериш масаласида ҳам яқиндан ёрдам берди. Ўтган вақт ичида бирлашманинг Китоб филиалида 50 нафар хотин-қиз ҳунар эгаллаб, малака ошириб қайтишди. Ҳозир эса совхоздаги ҳунар-техника билим юртида яна 25 нафар қиз тикувчилик сир-асрорларини ўрганмоқда.

Цех ишчилари асосан эркаклар қўйлакларини тикиб беришяпти. Йил охиригача улар 184 минг дона маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

С. ИСОМИДДИНОВ,
Қашқадарё вилояти.

ОҚЛАНГАНЛАР

1991 йил 1 февралда республика Олий Суди Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ушбу мажлисда Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларида «пахта иши» бўйича илгари судланган 70 нафар фуқаронинг жиноят иши кўриб чиқилди. Ушбу одамларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқ, деб топилиб, уларнинг поймол этилган ҳуқуқлари тўла тикланди.

Шу кунга қадар, «пахта иши» бўйича оқланганлар сони 1134 кишини ташкил этди. Комиссия ўз ишини давом эттирмоқда.

М. АВЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Энг яхши нарсалар—болалар учун

МУАЛЛИМЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН НИМА?

● Ҳамза ноҳиясидаги 282-ўрта мактабда 1846 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Дарслар ўзбек ва рус гуруҳлари учун мўлжалланган. Мактаб билан танишиш мақсадида пойтахтдаги кўплаб билим ўчоқларидан вакиллар бу ерга келишмоқда. Хўш, бу ерда муаллимларни нима қизиқтиряпти?

Мактаб ичига киришингиз билан тозалик, саранжомлик, юзлаб тувакларда ўстирилаётган анвойи гуллар эътиборингизни тортади. Компьютерли синфхоналар, турли фан кабинетлари, иккита қишки спорт зали, 200 ўринли ошхона болалар хизматида. Ошхонада стол ва юмшоқ креслолар, зангламайдиган қошиқ-вилкалар, идиштовоқларни кўриб, гўё ресторанга кириб қолгандай бўласиз. Бу ерда синфлар ўқувчилари навбати билан белгиланган вақтда нонушта ва тушликка чиқишади.

Мактаб қошида тикувчилик, хор, спортнинг бир неча тури бўйича ва бошқа касб-ҳунарга оид ҳаваскорлик тўгараклари фаол ишлаб турибди. Кутубхона залининг ярмиси болаларнинг дарс тайёрлашларига мослаштирилган бўлса, қолган қисмида ўқитувчилар ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, чолғу асбоблари ва турли буюмидишлар (мистовоқ, қошиқ, вилка, патнис, капгир, човли, чўмич, сабзи тахта, қасқон)дан таркиб топган ҳаваскорлик ансамбли пойтахт бўйича санъат байрами кўрик-конкурсида биринчиликни олган. Ансамблга аксари тарбияси қийинроқ болалар тортилгани сабабларини ўрганиш фойдали иш бўлур эди.

Билим масканида ўрганса арзигулик яна бир жиҳат бор. Бу бино ремонтига алоқадор масала. Бошқа мактаблар ҳар янги ўқув йили олдидан синфхоналарни жорий ремонт қилиб, минглаб сўм сарфлайдилар. Бу ерда эса бино деворларига чиройли, кўзни қувонтирадиган безакли қоғозлар ёпиштирилади. Уч йилдан сўнг яна бошқасига алмаштирилади. Фақат шу тадбирнинг ўзидан қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинмоқда.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲАМФИКРЛИК

«Совет Ўзбекистони» рўзномасидан республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Известия» мухбири билан суҳбатда билдирган мулоҳазаларини ўқидим. Унда таъкидланганидек, баъзи кишилар мустақиллик — айрим саркорларнинг ўйлаб топган бўлмағур нарсаси, у ҳақдаги гап-сўзларни тўхтатингилар, деб тор фикр юритяптилар, сафсатабозлик қиляптилар. Бир кун эмас, бир кун ижтимоий жиҳатдан хавфли бундай сафсатабозлик панд бериши мумкин.

Шунингдек, рўзномада ёритилган «Ислом партиясини тузиш кимга ва нима учун керак бўлиб қолди?» сарлавҳали мақола ҳам диққатимни тортди. Ислом партиясини тузиш, наҳотки, бирликчиларга ҳам керак бўлиб қолган бўлса? Нега биз тобора ҳамжиҳатлик сари бориш ўрнига, тарқоқликка интиладиган бўлиб қолдик? Ўзбекистонда кечган айрим фожиали воқеалар, Литва, Латвияда кечагина содир бўлган даҳшатли воқеалар, наҳотки, камлик қилса? Наҳотки, меҳр-оқибат йўқолаверса, бирлигимизга путур етса? Аслида бундай ножўя хатти-ҳаракатларни бошловчилар кимлар? Оддий бир коммунист сифатида мени ана шу саволлар кўп ўйлантирмоқда...

Виждоним ва коммунистик эътиқодим билан яйловда кўп йил қўй-қўзи боқдим, чўпонлик қилдим, ферма мудири бўлдим. Ҳамкасбларим ва партия ташкилоти директорликка тавсия этишди. Бу ишончи оқлаш учун кўп йиллардан бери ҳалол меҳнат қиляпман. Хўжалигимиз ҳар йили давлатга жун, қоракўл тери ва гўшт топшириш режаларини ошириб бажаряпти. Сурувга сурув қўшилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида давлатга 500 тонна гўшт топширдик. Иттифоқдош республикалар ва жумҳуриятимиз вилоятларига 4947 бош наслдор қўчқор етказиб бердик. Шу ҳисобдан завод 600 минг сўм соф фойда олди.

Президент Фармонига кўра, аҳолига 2100 бош совлиқ, 446 тонна дағал хашак, 253 тонна ширали озуқани арзон нархларда сотдик. Одамларимиз бундан гоят хурсанд, кайфиятлари яхши. Улар бугунги кунда янги режаларни кўзлашмоқда. Эрта кўкламда 20 минг бош совлиқ қўзилайди. Унинг асосий қисми ўстиришга қолдирилади. Ҳар юз бош совлиқдан 108 тадан соғлом қўзи олмоқчимиз. Қўйлар бош сонини 60 мингтага етказишни мўлжаллаяпмиз. Бу иқтисодий танглик ҳукм сураётган шу кунларда жуда ҳам зарурдир. Коммунист, комсомол ва партиясизлар ана шу мақсад йўлида ҳалол тер тўкишмоқда. Заводнинг марказий посёлкаси «Аваз-чўл»да ўзбек, тожик, туркман, рус, татар, қозоқ, араб миллати вакиллари истиқомат қилишмоқда. Улар бир оила аъзосидек аҳил. Мен ўзим ва фирқа қўмитамиз котиби Умидулла Шаропов — миллатимиз — туркман, бош зоотехник Нишонбой Сазонбоев —қозоқ, ферма мудири Нормамат Рустамов — араб, чўпонлардан Ленин ордени нишондори Жўрабой Ғайбуллаев — тожик, Меҳнат Қизил байроқ ордени нишондори Нор Чўянов — ўзбек ва ҳоказо. Улар оиласий пудрат асосида ишлаб, қоракўлчилик ривожига ҳисса қўшяптилар. Лекин биз қайси миллатдан эканлигимиздан қатъи назар, умум манфаати учун курашяпмиз.

Афсуски, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида юз бераётган воқеалар, жанжаллар, митингбозлик халқлар ўртасида дўстликка, жипслик ва аҳилликкга путур етказмоқда. Ҳолбуки, халқимизнинг «Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади», деган мақолида катта ҳикмат бор. Мана, хўжалигимизда, районимизда осойишталик, аҳиллик ҳукмронлиги боисидан ҳам меҳнатда ва ижтимоий ҳаётни яхшилашда янгиданянги ютуқларга эришаяпмиз.

Тўғри, ишимизга тўсиқ бўлаётган муаммолар бизда ҳам тўпланиб қолган. Пахта яккаҳокимлиги туфайли яйловлар қисқарди. Устигаустак, фойдали қазилма изловчилар яйловларни топтаяптилар. Бир қатор ижтимоий масалалар ҳам бор. Савдо ташкилотлари ҳамон аҳоли талабини қондира олмаяпти. Магазинлар ғариб, ҳатто кундалик эҳтиёж моллари ҳам кам. Шакшубҳасиз, бундай аҳволни собитқадамлик билан ўнглаб бориш керак.

Аммо шундай вазиятдан фойдаланиб, бировдан ўч олиш ниятида юрган шахслар ҳам учраяпти. Мушкулотларни баҳона қилиб бирликка, ҳамжиҳатликка путур етказиш лозимми? Йўқ, асло! Зотан, ҳамма ихтилофни, гап-сўзларни сиёсий мулоқот, босиқлик ва вазминлик йўли билан ҳал этса бўладику. Ҳамкорлик ва ҳамфикрлик бизга ҳар қачонгидан кўра ҳам ҳозир керак. Шу асосда иш тутгандагина ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиш мумкин. 54 нафар коммунистдан иборат партия жамоамизнинг ўй-фикрлари ҳам ана шундай.

Мамат ЖУМАҚУЛОВ,
Усмон Юсупов районидаги Ғафур Ғулом номли давлат наслчилик заводи директори, район партия қўмитаси бюроси аъзоси.

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

4 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССРдан чақирилган жангчилар хизматни ўтаётган ҳарбий қисмлар командирлари слётини ўтказиш республика ташкилот комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетининг раиси В. Р. Ниёзматов бошқарди.

Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакилларининг, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг слётга тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда сўзга чиққан кишилар слётнинг сиёсий аҳамияти, республикада бу муҳим тадбирни муваффақиятли ўтказиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Д. Д. Берков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетида

4 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик масалалари комитетининг мажлиси бўлди.

«Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг аризалари ва шикоятлари тўғрисида комиссия ахбороти тингланди. Комитетнинг 1991 йилги иш режалари тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

1990 ЙИЛ ҚАНДАЙ ЯКУНЛАНДИ?

● Бугун сиз рўзномамизнинг ички саҳифаларида Ўзбекистон ССР Давлат ҳисоб комитетининг ўтган йили республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қандай бўлганлиги ҳақидаги ахбороти билан танишасиз. Бу ҳужжатдан шу нарса кўринадики, Ўзбекистон 1990 йилда муайян ютуқларни қўлга киритиш билан бирга айрим соҳаларда қолоқликка ҳам йўл қўйган.

● ХУЛОСА: 1991 йилда республика иқтисодиётининг янада нормал ишлашини таъминлаш, халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун кўзда тутилган катта тадбирларни амалга ошириш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1990 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Республика Давлат ҳисоб комитетининг ахбороти

I. УМУМИЙ ЯКУНЛАР

Республиканинг 1990 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда бирмунча ижобий силжишларни таъминлаганидан далолат беради.

Ялпи миллий маҳсулот 1989 йилга нисбатан 2,9 фоиз, ҳосил қилинган миллий даромад 3,4 фоиз кўпайди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 1,1 фоиз ошди.

Ижтимоий-маданий соҳага сарфланган сармоянинг солиштирма улуши кўпайди.

Миллий даромад таркибида жорий истеъмол ва ноишлаб чиқариш қурилиши учун фойдаланилган ресурслар улуши 1989 йилдаги 92 фоиз ўрнига 94 фоизга етди. Бироқ бу кўрсаткич иқтисодиётни ижтимоий соҳага йўналтиришга кам таъсир ўтказди. Аҳолининг назорат қилинмайдиган пул даромадлари кўпайиб борди, бу эса мол ресурслари чекланган шароитда пулнинг қадрсизланиши кучайишига ва истеъмол бозоридаги вазият ёмонлашишига олиб келди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари пасайиши давом этди.

Сармоя сарфлаш соҳасидаги аҳвол яхшиланмади. Бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни ва кўпгина ижтимоий объектларни фойдаланиш учун топшириш режаси бажарилмади.

Республиканинг 1990 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини қуйидаги асосий кўрсаткичлардан билиб олса бўлади:

	1990 йилга режа (ёки унинг ҳисоб-китоби) миллиард сўм (ҳақиқий нархларда)	1990 йилда амалда: миллиард сўм (ҳақиқий нархларда)	1990 йилда амалда: 1989 йилга нисбатан фоиз (таққослама нархларда)
Саноат маҳсулоти ҳажми	X	23,9	101,5
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (чакана нархларда)	14,0	13,75	107
Шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,1	4,92	102
Спиртли ичимликлар	1,7	1,83	112
Ашёвий моллар	7,2	7,0	109
Шундан енгил саноат моллари	4,6	4,5	105
Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағи ҳамда корхона ва ташкилотларнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан ишга туширилган асосий фондлар (смета қиймати)	5,7	4,5	98
Давлат капитал маблағи (смета қиймати): марказлаштирилган капитал маблағлар	3,6	3,4	107
корхона ва ташкилотлар жамғармаларининг маблағлари	2,2	2,1	106
Умумий фойдаланишдаги транспортда юк ташиш (жўнатиш), миллион тонна	357,3	357,8	94
Умумий фойдаланишдаги транспортнинг пассажир обороти, миллиард пассажир-километр	X	34,6	99,2
Халқ хўжалигидаги фойда	6,7	6,9	104
Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчилар меҳнат ҳақи фонди	12,4	12,6	107
Ижтимоий истеъмол жамғармаларидан аҳолига берилган тўлов ва имтиёзлар	8,9	9,1	106
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	17,55	18.4	112x
Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар	2,2	2,2	111
Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан уй-жойларни фойдаланишга топшириш миллион квадрат метр	9,9	9,6	115

Ялпи миллий маҳсулот (амалдаги ҳақиқий нархларда) 32 миллиард сўмликни ташкил этди ёки 1989 йилга нисбатан 1,4 миллиард сўмлик кўпайди, миллий даромад 22,4 миллиард сўмни ташкил этди ёки 1989 йилга нисбатан 0,9 миллиард сўм кўпайди.

Ўтган йили фан ва техникани ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлинмади, вазирликлар ва идоралар давлат буюртмасини 86 фоиз бажарди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўп поғоналилик шакллана бошлади, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланди, буни қуйидаги маълумотлардан кўрса бўлади:

	иш билан банд бўлганлар сони, минг киши		маҳсулот ҳажми, миллиард сўм		асосий ишлаб чиқариш жамғармалари миллиард сўм	
	1985 й.	1990 й.	1985 й.	1990 й.	1985 й.	1990 й.
Жами (моддий ишлаб чиқариш)	4875,5	5774,8	45,2	51,2	56,2	69,3
Иқтисодиётнинг давлат шўъбаси	3058,3	3192,6	36,6	39,3	49,6	61,6
Иқтисодиётнинг кооператив шўъбаси	1159,4	1461,4	5,2	7,3	4,9	5,7
Шу жумладан:						
Колхозлар ва хўжаликлараро ташкилотлар	978,1	1054,0	4,0	5,2	3,8	4,0
Матлубот кооперацияси	181,3	229,0	1,2	1,7	1,1	1,5
Кооперативлар	—	178,4	—	0,4	—	0,2
Иқтисодиётнинг якка тартибдаги шўъбаси	657,8	1120,8	3,4	4,6	1,7	2,0
Шу жумладан:						
Шахсий ёрдамчи қишлоқ хўжалиги	655,0	1111,3	2,9	3,4	1,7	2,1

59 та саноат корхонаси (32,2 минг киши), 1348 та чакана савдо корхонаси, 934 та умумий овқатланиш корхонаси, Ўзбекистон маиший хизмат марказининг олтита корхонаси ва 133 та ички бўлинмаси, шунингдек, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлигининг 10 та автокорхонаси ижара асосида ишлади.

Улар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми қуйидаги маълумотлар қуйидагича:

	маҳсулот (иш хизмат) ҳажми, миллион сўмлик	тармоқдаги умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Саноат (маҳсулот)	961,8	4,1
Савдо ва умумий овқатланиш (чакана товар обороти)	1885,7	10,3
Маиший хизмат (Ўзбекистон маиший хизмат маркази корхоналари кўрсатган хизмат ҳажми)	20,4	4,6
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти (автобуслар ва енгил таксиларда йўловчи ташишдан олинган даромад)	66,2	15

(x) ҳақиқий нархларда

Қўшма корхоналар кўпайиб бормоқда. 1991 йил 1 январгача республикада 17 та чет эл фирмаси ва ташкилотлари иштирокидаги 30 та саноат, савдо, илмий-тадқиқот ва бошқа корхоналар рўйхатга олинди. Ҳозир уларда 4 минг киши меҳнат қилмоқда (1989 йилда 1,4 минг киши ишлар эди). Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 170 миллион сўмликдан ошди ёки 1989 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўпайди.

Ишлаб турган кооперативлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баравар ортиб, 10 мингтадан кўпайди, ўриндошлик юзасидан ишлайдиганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бу кооперативларда 300 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Улар 2 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди.

Кооперативлар орасида ишловчиларнинг кўплиги жиҳатидан қурилиш кооперативлари (40 фоиз) ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кооперативлар (18 фоиз) энг катта салмоққа эга бўлиб турибди. Республика кооперативлари сотган маҳсулот (бажарган иш, кўрсатган хизмат) умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи уларнинг улушига тўғри келди. Ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кооперативлар тез суръатлар билан ривожланди.

Шу билан бирга кооперативларнинг истеъмол бозорини мўл-кўл таъминлашга қўшаётган ҳиссаси ҳали ҳам салмоқли эмас.

Деҳқончилик соҳасидаги иқтисодий ислоҳот давомида колхоз ва совхозларда ички хўжалик ижара муносабатлари йўлга қўйилиб, мустақил деҳқон хўжаликлари вужудга кела борди. 1991 йил 1 январгача 1,4 мингта деҳқон хўжалиги бўлиб, уларнинг ихтиёрига 9 минг гектардан кўпроқ экинзор ер бериб қўйилган эди. Шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш мақсадида колхозлар, совхозлар ва матлубот кооперацияси билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва ишлаб чиқариш тўғрисида шартномалар тузиш орқали меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янги турларини рағбатлантирадиган қарорлар қабул этилди.

Ишлаб чиқариш воситалари бозорини вужудга келтириш ҳамда ишлаб чиқариш-техника маҳсулотини улгуржи савдо қилишга ўтиш йўлида қадамлар қўйилди.

Моддий-техника таъминоти ташкилотлари улгуржи савдо тартибида 1,2 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш-техника маҳсулотини сотди ва маҳсулотни эркин сотиш тартибида саноат корхоналари томонидан 866 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

МОЛИЯ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ

1990 йилда республиканинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолди. Моддий ва молиявий ресурсларнинг номутаносиблиги ошди. 2 миллиард сўмдан кўпроқ пул муомалага чиқарилди ва аввалги йил даражасидан 55 фоиз ошиб кетди.

Аҳолининг қондирилмаган талаби ҳажми салкам 7 миллиард сўмлик деб тахмин қилинмоқда.

Республиканинг молиявий аҳволини соғломлаштириш юзасидан кўрилган тадбирлар бюджетнинг даромадларини кўпайтириш имконини берди. 1989 йилга нисбатан бюджетга 7,1 фоиз кўп оборот солиғи тушди. Давлат корхоналари ва ташкилотларининг фойдасидан тўловлар қарийб чорак ҳисса ортди. Умуман халқ хўжалигида фойда олиш йиллик режаси бажарилди.

1990 йилда халқ хўжалигига қарзга маблағ сарфланиши 21,6 фоиз миқдорида камайди ва 1991 йил 1 январда салкам 11 миллиард сўмни ташкил этди.

Банкларнинг қисқа муддатга берилган қарзлари юзасидан ҳамда корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар юзасидан муддати ўтиб кетган қарздорлик секинлик билан камаймоқда. 1991 йил 1 январгача шундай қарздорлик 1,4 миллиард сўмни ташкил қилди (1990 йил 1 январда 1,5 миллиард сўм эди).

II. ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ

АҲОЛИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

1991 йилнинг бошларида республика **аҳолиси** 20,7 миллион кишига етди. Бир йил давомида аҳоли 416,4 минг киши кўпайди, бу — 1989 йилга нисбатан 25,7 минг киши камдир.

1990 йилда туғилиш ва ўлишнинг умумий коэффициентлари қуйидагича бўлди: ҳар 1000 киши ҳисобига 33,3 чақалоқ туғилган бўлса, 6,1 киши ўлди. Туғилиш кўрсаткичи 1989 йил даражасида қолди, ўлиш эса 3,2 фоиз камайди. Табиий кўпайиш коэффициенти 0,7 фоизни ташкил этди ва 1000 киши ҳисобига 27,2 кишини ташкил этди.

Республиканинг **меҳнат ресурслари** 10 миллион кишини ташкил этди. Халқ хўжалигида салкам 8 миллион киши банд бўлди.

Халқ хўжалигида банд бўлмаган ва ишсиз деб ҳисобланиши мумкин бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли тахминан 500 минг киши деб чамаланмоқда.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Қишлоқ хўжалик, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа вазирликлар иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан белгиланган топшириқни бажармаяптилар.

Асосий ишлаб чиқариш тармоқларининг ишлаб турган корхоналарида 44 мингга яқин ишчи етишмасди. Бу асосан жойлардаги мавжуд иш ўринлари билан ҳам ҳудудий, ҳам касб-ҳунар маъносида мавжуд бўлган ишчи кучлари ўртасидаги номутаносиблик (тўғри келмаслик), аҳолининг янги иш ўринлари билан бир текисда таъминланмаслиги билан изоҳланади.

Ўн иккинчи беш йилликда ишга туширилган асосий фондларнинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатларидан қарийб икки баравар орқада қолди.

1990 йилда ишга жойлаштириш идораларига 321,6 минг киши ишга ёлланиш ёки иш жойини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ҳал этишда кўмаклашиш тўғрисида илтимос билан мурожаат этди, улардан 283,8 минг киши ишга жойлаштирилди.

Барча эҳтимол тутилган йўналишлар: мулкчиликнинг турли шакллари, тармоқлар ва корхоналар, шунингдек, минтақалар ўртасида ишчи кучлари ҳаракатга келаётганлиги маълум бўлиб қолди.

Ишчи кучларининг давлат шўъбасидан кооператив ва якка тартибдаги шўъбаларга ўтиш тамойиллари пайдо бўлди. Ўн иккинчи беш йилликда давлат шўъбасида банд бўлганлар сони йилига ўрта ҳисобда 1,6 фоиз, кооператив шўъбасида 5,1 фоиз, якка тартибдаги шўъбада 11,2 фоиз кўпайди. 1990 йилда меҳнат ресурсларининг 66 фоизи иқтисодиётнинг давлат шўъбасида, 20 фоизи кооперативларда, 14 фоизи якка тартибдаги соҳада банд бўлди (1985 йилда бу кўрсаткичлар 72, 18 ва 10 фоизни ташкил этганди).

Кооператив фаолият бўш қолган меҳнат ресурсларини жалб этиш ҳисобидан, асосан эса ижтимоий ишлаб чиқаришда (ўриндошлик асосида меҳнат қилаётган) банд бўлган кишиларни қайта тақсимлаш ёки улардан жадал фойдаланиш ҳисобигагина бир оз бўлса-да ривожланмоқда.

1990 йилда халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида меҳнат интизоми ёмонлашди, иш вақтини исроф қилиш кўпайди, кадрлар қўнимсизлиги кучайди. Саноат ва қурилишда 1,5 миллиондан кўпроқ одам куни ҳисобида иш вақти йўқотилди. Бу эса ҳар куни 6 мингга яқин киши ўз иш жойида бўлмаганлигини билдиради.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА НАРХ-НАВО

Аҳолининг **пул даромадлари** 26,3 миллиард сўмни ташкил этди ва 1989 йилга нисбатан 16,5 фоиз кўпайди.

Халқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, бунга кооперативлар ва жамоа хўжаликларида ишлаётганларга тўланадиган ҳақ ҳам киради, 1990 йилда 15,8 миллиард сўмни ташкил этди ва 1989 йилга нисбатан 8 фоиз кўпайди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият, кўмир саноати, темир йўл транспорти ходимларига ва бошқа баъзи ходимларга иш ҳақини ошириш юзасидан марказлаштирилган тадбирларга давлат бюджетидан маблағ ажратилиши иш ҳақи фондини кўпайтиришга кўмаклашди. Кўп йил хизмат қилганлиги учун тўланадиган ҳақлар, йил якунлари бўйича бериладиган мукофотлар кўпайди. Кўпгина корхоналарда йил якунларига кўра, бериладиган тўловларни 1991 йилнинг биринчи кварталидан 1990 йилнинг декабрь ойига ўтказилган ҳоллар ҳам бўлди.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг **ўртача ойлик маоши** 1989 йилда 193,8 сўмни ташкил этган бўлса, у 1990 йилда 205,7 сўмга етди, жамоа аъзоларининг маоши 164,9 сўмдан 182,1 сўмга ортди.

Турмуш даражасини ошириш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа воситалар тариқасида ижтимоий истеъмол жамғармаларидан аҳолига тўловлар ва имтиёзлар 550 миллион сўмдан ортиқроқ кўпайди.

1991 йил 1 январда аҳолининг СССР жамғарма банки Ўзбекистон республика банки муассасаларига қўйган жамғармалари 8,3 миллиард сўмга етди, бу 1990 йилнинг бошларидагига нисбатан 1,2 миллиард сўм кўп демакдир.

Аҳолининг моллар сотиб олишга ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашга қилган харажатлари (истеъмол харажатлари) 12,2 фоиз кўпайди.

1990 йилда ишчилар ва хизматчиларнинг киши бошига ўртача пул даромади 1989 йилга нисбатан 8 фоиз ортди ва ойида ҳар бир оила аъзосига 96 сўмни ташкил этди; жамоа аъзоларининг киши бошига пул даромади эса 16 фоиз ортди ва ҳар бир оила аъзосининг даромади 79 сўм бўлди.

1990 йилда халқ истеъмоли моллари чакана нархлари ва пулли хизмат тарифлари қўшма индекси 1989 йилга нисбатан 102,8 фоизни, жумладан, молларнинг чакана нархлари индекси 102,7 фоизни, пулли хизмат индекси 103,8 фоизни ташкил этди. Бунда давлат нархлари (чакана товар обороти ҳажмининг 89 фоизи шу нархларга тўғри келади) 3 фоиз, шаҳар кооператив савдоси нархлари (бу товар оборотининг 5 фоизи) 5 фоиз, колхоз бозоридаги чакана нархлар (товар оборотининг 6 фоизи) 11 фоиз ошди.

Умуман озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича (давлат ва кооператив савдосидаги, шаҳар кооператив савдоси дўконларидаги ва колхоз бозорлари дўконларидаги) нарх индекси 101,6 фоизни ташкил этди.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (нон ва нон-булка маҳсулотлари, ёғлар, балиқ маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, тухум, шакар, ёрма, макаронлар) кўпчилигининг давлат чакана нархлари ўзгармай қолди.

Ашёвий моллар турларини ўзгартириш ва сифатини яхшилаш ҳисобига уларнинг нархи 1989 йилда 3,4 фоиз юқори бўлди. Амалда бу молларнинг барча турлари қимматлашди: устки трикотаж нархи 2 фоиз, рўзғорда ишлатиладиган электр асбоблари, жун ва ипак газламалар, кийим-кечак, пойабзал, синтетик ювиш воситалари, атторлик моллари, бинокорлик материаллари, соатлар ва мусиқа буюмлари нархи 3 фоиз, ип газламалар ва ўйинчоқлар нархи 4 фоиз ортди.

Хизматнинг айрим турларидан маиший хизмат нархи анча — 8,2 фоиз, маданият муассасалари хизмати 5,7 фоиз кўтарилди.

Йўловчилар транспорти хизмати, алоқа ва уй-жой-коммунал хизматлар нархи 1989 йил даражасида қолди.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА ХИЗМАТ СОҲАСИ

Чакана нархларда 13,8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилга нисбатан 841,2 миллион сўм ёки 7 фоиз кўп, демакдир. Айни вақтда ашёвий моллар ишлаб чиқариш 563 миллион сўмлик, спиртли ичимликлар тайёрлаш 198 миллион сўмлик кўпайди.

4,9 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари (бунга мева-сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларининг бозор жамғармаси ҳам киради) ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1989 йилга нисбатан 2 фоиз ёки 80,4 миллион сўмлик кўпайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

	1990 йилда ишлаб чиқарилди	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна	270	97
Колбаса маҳсулотлари, минг тонна	62	98
Балиқ овлаш, минг тонна	26,6	104
Сариёғ, минг тонна	16	97
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сут ҳисобида), минг тонна	684	101
Маргарин маҳсулотлари, минг тонна	30,4	103
Ўсимлик ёғи, минг тонна	514	100,2
Қандолат маҳсулотлари, минг тонна	218	106
Консервалар, миллион шартли банка	1122	96
Шу жумладан, мева-сабзавот консервалари	1107	96
Минерал сувлар, миллион декалитр	10,3	92
Спиртсиз ичимликлар, миллион декалитр	17,7	99,8
Спиртли ичимликлар (мутлақ спирт ҳисобида), миллион декалитр	4,6	114

Бир йил ичида топшириққа нисбатан 1,4 минг тонна балиқ, 7,7 минг тонна гўшт, 0,5 минг тонна колбаса маҳсулотлари, 0,5 минг тонна эритилган мол ёғи, 0,2 миллион декалитр спиртсиз ичимликлар кам берилди. Папирос ва сигарета ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 28,4 фоиз камайди.

1990 йилда 7 миллиард сўмлик ашёвий моллар ишлаб чиқарилди, бу 1989 йилга нисбатан 9 фоиз кўп, демакдир.

Қуйида ашёвий молларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар келтирилади:

	1990 йилда ишлаб чиқарилди	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ип газлама, миллион квадрат метр	470	100,4
Жун газлама, минг квадрат метр	693	91
Шойи газлама, миллион квадрат метр	144	99,5
Трикотаж буюмлар, миллион дона	104	95
Шу жумладан, болалар учун (Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги)	72	96
Пайпоқлар, миллион жуфт	112	99
Шу жумладан, болалар учун (Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги)	53	104
Пойабзал, миллион жуфт	45,5	106
Шу жумладан, болалар учун (Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги)	27	103
Музлатгичлар минг дона	201	105
Мебель, миллион сўм	292	108
Чинни-фаянс идишлар, миллион сўм	79,6	103
Синтетик ювиш воситалари, минг тонна	37,0	105
Шу жумладан, майда қадоқлангани	30,4	105
Кир совун, минг тонна	104	103
Атир совун, минг тонна	17,0	105

Чакана товар обороти. Истеъмол бозоридаги кескинлик, аҳолининг пул даромадлари тобора кўпайиб бораётганлиги сабабли унга ўтказилаётган тазйиқ истеъмол учун ғамлаб қўйилган молларнинг кўпгина турларига бўлган эҳтиёж ва харидни кучайтириб юборди. Чакана товар обороти ҳажми 1990 йилда (амалдаги нархларда) 12,1 фоиз, шу жумладан, декабрь ойида 15,7 фоиз ортди ва 18,4 миллиард сўмни ташкил этди.

1990 йилда 1989 йилга нисбатан чой 8 фоиз, ўсимлик ёғи 16 фоиз, балиқ консервалари 13 фоиз, туз 21 фоиз кўп сотилди.

Ўтган йили савдога умуман 1989 йилга нисбатан 3 фоиз кўп озиқ-овқат ресурслари юборилди. Айни вақтда режага таққослаганда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари 2 фоиз, шу жумладан, тўртинчи кварталда 8 фоиз кам етказиб берилди.

Савдога йиллик режаларга нисбатан сут ва сут маҳсулотлари 32 минг тонна, шу жумладан, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 18 минг тонна, пишлоқ 134 тонна, шартли банка сут консервалари 91 минг дона ва мол ёғи 5 минг тонна кам етказиб берилди. Аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда ўзгариш бўлмади. Савдога сельд етказиб бериш борасидаги йиллик режа атиги 72 фоиз, балиқ консервалари етказиб бериш 94 фоиз бажарилди. Гарчи савдога қандолат маҳсулотларини етказиб бериш кўпайган бўлсада, бироқ аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммоси ўткир бўлиб қолмоқда.

Чакана товар оборотининг ўсишига кўп жиҳатдан ашёвий моллар ҳисобига эришилди. Бундай озиқ-овқат молларини сотиш 13 фоиз ортди, айни вақтда трикотаж буюмлари, кийим-кечак ва ички кийимлар, шунингдек, пойабзал сотиш 17—21 фоиз, кир совун 31 фоиз, синтетик ювиш воситалари сотиш 1,4 баравар кўпайди.

Шу вақтгача тамаки маҳсулотлари савдоси изга тушгани йўқ. Чунончи, савдога тамаки маҳсулотлари етказиб бериш 1989 йилга нисбатан 18 фоиз ёки 35 миллион сўм камайди.

Ўтган йили 1989 йилга нисбатан савдо тармоқлари енгил саноат молларини бир фоиз кам олди. Йиллик режага нисбатан савдога 11 миллион жуфт пойабзал, 12 миллион сўмлик пайпоқлар, 26 миллион сўмлик ип газлама ва 36 миллион сўмлик трикотаж буюмлар етказиб берилмади.

Савдода аёлларнинг халатлари, тунда киядиган кўйлаклари, пайпоқлар, кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаблар, кўрпалар ва бошқа баъзи молларнинг етишмаётганлиги сезилмоқда. Аҳолини пойабзал, газламалар, болаларга аталган моллар билан таъминлаш яхшиланмаяпти.

Маданий-маиший ва хўжалик моллари билан савдо қилувчи бозорнинг аҳволи ҳали ҳам қониқарсиз аҳволда.

Радиоприёмникларни сотиш 9 фоиз, совутгич ва музлатгичлар сотиш 14 фоиз камайди.

Бинокорлик материаллари савдоси кўпайганлигига қарамай, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлашда сезиларли натижаларга эришилмади. Дўконларда ёғоч, цемент, шифер, дераза ойнаси, қорақоғоз (толь), линолеум, гулқоғозлар, кошинлар, аралаштиргич қурилмалар, унитазлар, раковиналар, буёқлар, михлар, сув-газ қувурлари ва бошқа материалларнинг тақчиллиги ҳали ҳам сезилмоқда.

Пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 2,2 миллиард сўмни ташкил этди, бу 1989 йилга нисбатан 221,5 миллион сўм ёки 11,4 фоиз кўп, демакдир. Маҳаллий Кенгашлар ижроия комитетлари белгилаган 1990 йил режаси 100,4 фоиз бажарилди, аҳолига режадан ташқари 9,3 миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар 817 миллион сўмлик иш бажарди. Қабул қилинган режа 104,1 фоиз бажарилди.

УЙ-ЖОЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ

Жумҳурият аҳолиси пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий майдони 9,6 миллион квадрат метрни ташкил этадиган 121,6 мингта янги шинам квартира олди, бу ўтган йилга қараганда 15 фоиз кўп, демакдир.

Якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳажми ортди, фойдаланишга топширилган жами уй-жойларнинг ҳиссаси 1989 йилдаги 60 фоиз ўрнига 67 фоизга етди.

Айни вақтда давлат маблағлари ҳисобидан уй-жойларнинг фойдаланишга топшириш йиллик топшириғи атиги 86 фоиз бажарилди.

Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида давлат маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилиши йиллик дастурини бажаришда кўпроқ қолоқликка йўл қўйилди.

Кооператив уй-жойлар қурилишида орқада қолинди.

1990 йил охирида аҳолининг уй-жой билан таъминланиши 12 квадрат метрни, шу жумладан, шаҳарларда 12,4 квадрат метрни, қишлоқ жойларда эса 11,8 квадрат метрни ташкил этди.

Газлаштириш юзасидан давлат дастурини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни ўтказиш натижасида қишлоқ жойларида аҳоли пунктларини газ тармоқлари билан таъминлаш даражаси ошди. Ўтган йилда 1,4 минг километр газ тармоқлари, жумладан, жамоа хўжаликлари маблағлари ҳисобидан 829 километр газ тармоқлари ишга туширилди. Бу эса қишлоқ жойларда газ тармоқлари билан таъминланган хонадонларни 50 мингтадан ортиқроқ кўпайтириш имконини берди.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 215,1 минг ўқувчи ўқийдиган умумий таълим мактаблари, 4 минг ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника билим юртлари, 50,6 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 5,1 минг ўринли касалхоналар, бир сменада 13,9 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника муассасалари ва ижтимоий соҳанинг бошқа иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Давлат маблағлари ҳисобидан умумий таълим мактаблари, касалхоналар, шунингдек, клублар ва маданият уйлари қурилиши миқёси кенгайди.

Шу билан бирга республикада давлат маблағлари ҳисобидан ижтимоий соҳа иншоотларини фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган йиллик топшириқ бажарилмади. Қорақалпоғистон МССРда, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ушбу иншоотлар қурилиши қониқарсиз бўлди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

Республика ўқув юртларида 6,8 миллиондан ортиқ киши таълим олмоқда ва малакасини оширмоқда.

Кундузги умумий таълим мактаблари ўтган ўқув йилида бўлганидек, ҳар тўрт ўқувчининг бири иккинчи ва учинчи сменада шуғулланмоқда. Олти ёшли 196,6 минг нафар бола мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида биринчи синф дастури асосида таълим олмоқда.

Доимий мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида 1,4 миллион нафардан кўпроқ бола ёки тегишли ёшдаги болаларнинг 38 фоизи тарбияланмоқда. 230 мингдан кўпроқ бола болалар боғчалари ва ясли-боғчаларга муҳтождир.

Олий ўқув юртларига 61,6 минг, ўрта махсус ўқув юртларига 92,2 минг киши қабул қилинди, бу 1989 йилга нисбатан 4 фоиз кўп, демакдир. Корхоналар (ташкилотлар) билан олий ўқув юртлари ўртасида тузилган шартномалар асосида кундузги бўлим талабаларининг 3 фоизи таълим олмоқда. Олий ўқув юртлари талабаларининг сони ўтган йилга нисбатан 9,3 минг киши кўпайди ва 340,9 минг кишини ташкил этди. Ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг сони 261,8 минг кишни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 15,5 минг киши камайди.

Қарийб 90 миллион нусха китоб жамғармасига эга бўлган 8 мингга яқин кутубхона ва 5 мингга яқин клуб жумҳурият аҳолисига хизмат қилди.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўтган йили шифокорлар сони 2,8 минг, ўрта тиббиёт ходимлари сони 12,8 минг киши кўпайди. Касалхоналардаги ўринлар сони 7,4 мингта ортди, амбулатория-поликлиникалар бир сменада қабул қиладиган одамлар 5,8 минг киши кўпайди.

Бироқ тиббий хизматни ташкил этишда сезиларли ўзгаришлар рўй бермади. Касалхона биноларининг ноқулайлиги, замонавий аппаратлар ҳамда ускуналарнинг йўқлиги, дори-дармон, ички кийимларнинг етишмаслиги, беморларнинг кўнглидагидек ётқизилмаслиги унинг ўзига хос белгиларидан бўлиб қолмоқда.

Аҳолининг касалликлар, жароҳатлар, шунингдек, бемор болаларни парваришлаш билан боғлиқ сабаблар туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даражаси амалда пасаймади. Худди ана шу сабаблар билан 1990 йилда 42 миллиондан кўпроқ киши куни йўқотилди ёки ишлаётган ҳар бир одам ҳисобидан 7 кун бекорга кетди.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ АҲВОЛИ

Табиатни муҳофаза қилиш юзасидан қўрилган тадбирларга қарамай, республиканинг айрим шаҳарлари ҳамда саноат марказларидаги экологик аҳвол ҳали ҳам кескинлигича қолмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1990 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

Дастлабки маълумотларга қараганда, 1990 йилда республикадаги бир қанча корхоналар ҳаво ҳавзасига зарарли моддалар чиқаришни кўпайтириб юборишган. Чунончи, Зирабулоқ магистрал газ қувурлари ишлаб чиқариш бошқармаси қўшимча линияни фойдаланишга топшириш ҳисобидан (асосан углеводород) зарарли моддалар чиқариш ҳажмини 14 минг тонна, «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6,7 минг тонна (асосан олтингугурт ангидриди ва углерод оксиди), Қувасой цемент комбинати 5,1 минг тонна (асосан углерод оксиди ва азот оксидлари) кўпайтирди.

1990 йил ичида сув ҳавзаларига ялписига авария тариқасида 37 марта ифлос қилувчи моддалар ташланганлиги қайд этилди. Бундан кўрилган зарар 2,9 миллион сўмни ташкил этди. Сув ҳавзаларини асосан Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналар булғатди.

Табиатни муҳофаза қилишга доир қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан айрим корхоналар, шунингдек цехлар ҳамда иншоотларнинг 796 тасида ишлар тўхтатилди; 7,4 минг киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Чунончи, Фарғона фуран бирикмалари кимё заводида гидролиз-фурфуроль цехининг иши 70 кун, Самарқанд лифтсозлик заводи галваника участкасининг иши 120 кун, «Вторцветмет» бирлашмаси Ўзбекистон республика бўлимининг қуюв цехи иши 200 кун, Андижон гидролиз заводи хамиртуруш цехининг иши 359 кун тўхтатиб қўйилди.

Давлат ҳисоб идоралари 1990 йилда шаҳар аҳолиси фикрини сўраб билиш юзасидан ўтказган сайланма текширишлардан олинган маълумотларга қараганда, савол-жавобда қатнашган шаҳарликларнинг атиги 13 фоизи ўзлари яшаб турган ерлардаги атроф-муҳитнинг ҳолатидан қониқишини, 18 фоизи қисман қониқаётганини айтган, 48 фоизи эса атроф-муҳитнинг аҳволи умуман қониқарсиз деб ҳисобламоқда.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

1990 йилда 88,2 минг жиноят қилинганлиги ёки ўтган йилга нисбатан бундай жиноятлар 4 фоиз кўп бўлганлиги қайд этилди. Оғир жиноятлар сони камайди. Бир гуруҳ шахслар ва балоғатга етмаганлар содир этган жиноятлар сони 22 фоиз, маст ҳолда содир этилган жиноятлар 9 фоиз, илгари жиноят содир этганларнинг қайтадан жиноят қилишлари 3 фоиз кўпайди. Жиноятлар Бухоро ва Андижон вилоятларида 16 фоиз, Сирдарё вилоятида 13 фоиз, Наманган вилоятида 11 фоиз кўпайганлиги қайд этилди.

Қасдан одам ўлдириш ва суиқасд қилиш 10 фоиз, зўрлаш ва зўрлашга уриниш 10 фоиз, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 23 фоиз ортди.

Қароқчилик 7 фоиз, талон-торож қилиш 3 фоиз кўпайди. Майда жиноятчиликни ҳисобга олмаганда давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаш 1989 йилга нисбатан 21 фоиз кўп бўлганлиги қайд этилди. Хонадонларга ўғирликка тушиш 5 фоиз кўпайди.

Автомобиль йўлларида ва кўчаларда одамлар жароҳатланган бахтсиз ҳодисалар 1990 йилда 6,2 фоиз кўпайди ва салкам 18 минг кишини ташкил этди. 3,2 минг киши ҳалок бўлди, 19,3 минг киши жароҳатланди. Бу 1989 йилда ҳалок бўлганлар сонидан 8,1 фоиз ва жароҳатланганлар сонидан 5,9 фоиз кўпдир. Ҳалок бўлганларнинг 9,2 фоизи, жароҳатланганларнинг 9,1 фоизи маст ҳолда рулни бошқарган ҳайдовчиларнинг айби оқибатидир.

III. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

САНОАТ

1990 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди, бир кеча-кундузда маҳсулот ишлаб чиқариш 1,4 фоиз ортди. Айни пайтда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» гуруҳидаги маҳсулот) 0,2 фоиз, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» гуруҳидаги маҳсулот) 5,1 фоиз кўпайди.

Ўтган йил давомида истеъмолчиларга шартномалар асосида 376,7 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Бу 1989 йилдагидан 1,8 баравар кўпдир. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 98,2 фоиз бажарилди, бирлашмалар ва корхоналарнинг 17 фоизи шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминламади.

Металлургия ва кимё-ўрмон комплекслари корхоналарида маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиш даражаси умуман республикадаги даражадан паст.

Йиллик режа бажарилмади ва республика саноати ишлаб чиқараётган энг муҳим буюмларнинг ҳар иккитасидан бирини ишлаб чиқариш 1989 йилга нисбатан камайди.

Саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йилги даражада қолди. Маҳсулотнинг бутун ўсишига саноат ишлаб чиқариши ходимлари сонини кўпайтириш ҳисобига эришилди.

Янги қувватлар қониқарли ўзлаштирилмаётганлиги саноатдаги иш якунларига ҳамон салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги икки йилда ишга туширилган ва таъмирланган лойиҳадаги 57 та қувватни иш билан таъминлаш ўртача даражаси (ўзлаштириш нормаларини ҳисобга олган ҳолда) 65 фоизни ташкил этди. Бинокорлик саноати иншоотларида янги қувватларни иш билан таъминлаш энг паст даражада бўлди.

Чунончи, Фарғона темир-бетон буюмлари заводида йиғма темир-бетон конструкциялари ва буюмларни ишлаб чиқарадиган қувватлардан фойдаланиш даражаси атиги 5,8 фоизни, Қувасой темир-бетон буюмлари корхонасида 19,8 фоизни ташкил этди.

Қорақалпоғистон МССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 1990 йилда саноат қандай ишлаганлиги тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича (фоиз ҳисобида):

	Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўсиши
Қорақалпоғистон МССР	98,0	11,7	17	2,3
Андижон вилояти	95,4	66,3	22	4,3
Бухоро вилояти	99,1	12,4	13	4,2
Жиззах вилояти	97,5	10,5	16	5,6
Қашқадарё вилояти	99,8	2,1	7	3,7
Наманган вилояти	99,3	8,2	9	2,4
Самарқанд вилояти	97,3	52,2	21	8,3
Сурхондарё вилояти	99,8	1,2	8	4,1
Сирдарё вилояти	99,8	0,7	8	2,3
Тошкент вилояти	96,8	112,7	25	—1,6
Фарғона вилояти	98,3	46,7	20	—1,5
Хоразм вилояти	99,8	1,6	7	2,8
Тошкент шаҳри	99,0	45,0	21	—0,1

Халқ хўжалиги комплекслари фаолиятининг кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (фоиз ҳисобида):

	Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	шартнома мажбуриятларини бажармаган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар улуши	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўсиши
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,99	0,09	6	0,7
Машинасозлик комплекси	99,3	10,0	28	—3,7
Металлургия комплекси	93,4	71,2	56	—9,8
Кимё-ўрмон комплекси	97,2	59,0	40	—1,2
Деҳқончилик-саноат комплекси	99,6	33,7	11	4,5
* * *				
ЎзССР Енгил саноат вазирлиги	96,3	153,1	33	1,4
ЎзССР Маҳаллий саноат вазирлиги	100,0	—	—	11,2
ЎзССР Қурилиш вазирлиги	98,3	2,4	37	—5,1
ЎзССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги	97,0	14,9	52	1,4

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

	1990 йилда ишлаб чиқарилди	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Электр энергия, миллиард киловатт-соат	56,4	100,8
Нефть (жумладан газ конденсати), миллион тонна	2,8	106
Газ, миллиард куб метр	40,8	99,2

Режадан ташқари 63 минг тонна қўмир, 110,4 минг тонна нефть, жумладан газ конденсати, 0,5 миллиард куб метр газ қазиб олинди.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

	1990 йилда ишлаб чиқарилди	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ўзгарувчан ток электр двигателлари, минг киловатт	458	83
Куч трансформаторлари, миллион киловольт-ампер	8,6	98
Компрессорлар, минг дона	11,1	98
Приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларга эҳтиёт қисмлар, миллион сўм	42,5	110
Йигирув машиналари, дона.	15,39	95
Тракторлар, минг дона	23,3	98
Трактор прицеплари, минг дона	36,0	102
Қишлоқ хўжалик машиналари, миллион сўм	133	88
Пахта териш машиналари, минг дона	5,3	88
Экскаваторлар, дона	900	113

Деярли ҳар тўрт ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонадан бири шартнома мажбуриятларини бажариш барбод бўлишига йўл қўйди. Етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмининг ярми «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси улушига тўғри келади.

Меҳнат унумдорлиги ўтган йилги даражага нисбатан 1,9 фоиз камайди.

Комплексда серунум ускуналарни жорий этиш кескин камайди. Масалан, жорий этилган саноат роботларининг сони 1989 йилдагига нисбатан 1,2 баравар, рақамли программа билан бошқариладиган металл кирқиш станоклари 1,5 баравар камайди. Янгиланган маҳсулотнинг ялпи салмоғи 1989 йилдаги 7,1 фоиздан 1990 йилда 6,1 фоизга камайди.

Комплекс корхоналарининг 60 фоиздан кўпроғи маҳсулотни янгиламади. Улар орасида Тошкент экскаватор заводи, «Средазкабел», «Ташсельмаш», «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Чирчиксельмаш», Андижон машинасозлик заводлари бор.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси ҳам пасаймоқда. Жаҳон техникавий даражасига мос келадиган маҳсулотнинг ялпи салмоғи 1989 йилдаги 41,8 фоиздан ўтган йили 37,7 фоизга пасайди. Корхоналарнинг деярли ярми ана шундай маҳсулот ишлаб чиқармаяпти.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Шартномалар асосида маҳсулот етказиб бериш интизоми ўтган йилдагига нисбатан кескин ёмонлашди. Истеъмолчиларга 71,2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Катта ҳажмдаги темир-терсак етказиб берилмаганлиги туфайли пўлат (91 фоиз) ва прокат (92,9 фоиз) ишлаб чиқариш топшириғи бажарилмади. Пўлат эритиш ҳажми ўтган йилдагига қараганда 6,3 фоиз камайди.

Меҳнат унумдорлиги ўтган йилги даражага нисбатан 8 фоиз пасайди.

КИМЁ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

	1990 йилда ишлаб чиқарилди	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Минерал ўғит (100 фоиз тўйимли моддага айлантириб ҳисоблаганда), миллион тонна	1,8	93
Олтингугурт кислотаси, миллион тонна	2,2	92
Кимёвий тола ва ип, минг тонна	52,6	104
Синтетик смола ва пластмассалар, минг тонна	155	94
Термопласт қувурлар ва шундай қувурларнинг деталлари минг тонна	18,3	94
Доривор воситалар, миллион сўм	59,8	103
Қоғоз, минг тонна	25,7	100,2
Картон, минг тонна	51,2	91

Нефтни бирламчи қайта ишлаш маҳсулотини ишлаб чиқариш бир йилда 2,5 фоиз, жумладан, дизель ёқилғи ишлаб чиқариш 5,8 фоиз, керосин 16,4 фоиз, автомобиль мойи 4,2 фоиз камайди.

Асосий кимё хом ашё маҳсулотини ишлаб чиқариш камайиб бормоқда. Синтетик аммиак ишлаб чиқариш 7,4 фоиз, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш 8 фоиз қисқарди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун кимёвий хом ашё синтетик смола ва пластмасса ишлаб чиқариш камайди. Резина пойабзал ишлаб чиқариш қарийб икки баравар қисқарди.

Минерал ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ярми йиллик топшириқни бажармади, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасидан ташқари барча корхоналар ўғит ишлаб чиқаришни 1989 йилдагига нисбатан камайтириб юбордилар.

Маҳсулот етказиб бериш интизоми анча пасайди. Деярли ҳар уч корхонадан биттаси маҳсулот етказиб бериш режасини уддаламади.

Комплекс бўйича етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмининг 70 фоизи «Агрохим» давлат деҳқончилик кимёси уюшмасига тўғри келади.

Меҳнат унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 1,3 фоиз пасайди.

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ

	1990 йилда ишлаб чиқарилди	1990 йилда 1989 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Цемент, миллион тонна	6,4	103
Асбест цемент тахталар (шифер), миллион шартли тахта	441	103
Асбест цемент қувурлар ва муфталар. минг километр шартли қувур	2,3	100,4
Қора қоғоз (тўл) ва изол, миллион квадрат метр	112	86

Қурилиш индустрияси корхоналари ғишт, йиғма темир-бетон конструкциялари ва буюмлари, шифер, керамика плиталари ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажмини таъминламаяпти.

Бинокорлик материаллари саноатида «қуруқ усул»да цемент ишлаб чиқариш ялпи ҳажми ҳали паст. Цемент ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида унинг ялпи салмоғи атиги 46,6 фоизни ташкил этади.

Ўтган йили суперпластификаторлардан фойдаланиб, атиги 7,82 минг куб метр ва кимёвий қўшимчалардан фойдаланиб 155 минг куб метр темир-бетон конструкциялари тайёрланди. Бу умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 21 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлигининг қарийб ҳар икки корхонасидан бири шартнома мажбуриятларини бажармади. Истеъмолчиларга 15 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИ

1990 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 462 миллион сўмлик кўпайди ва салкам 11 миллиард сўмни ташкил этди. Бироқ йиллик режа 97,9 фоиз бажарилди.

Республика колхоз ва совхозлари (Иттифоққа бўйсинувчи совхозлар бу ҳисобга кирмайди) 1990 йилда 1,8 миллиард сўм фойда олди. Айни пайтда 13 та хўжалик йилни 10,7 миллион сўм ҳажмида зарар билан тугаллади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллилиги 24 фоизни ташкил этди.

Дон, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва резавор мева, узум тайёрлаш 1989 йилдагига қараганда кўпайди. 1989 йилда пахтазорлар 140,6 минг гектар қисқарганлиги муносабати билан пахта тайёрлаш (харид қилиш) бирмунча камайди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотини ялпи ҳосили қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

(минг тонна)

	бир йилда ўрта ҳисобда			
	1981—1985 йиллар	1986—1990 йиллар	1989 й.	1990 й.
Барча донли экинлар:				
Дастлабки қабул қилинган вазнда	2450,2	1791,4	1640,8	2046,9
ишлов берилгандан кейинги вазнда	2380,1	1692,1	1555,4	1897,2
Пахта хом ашёси	5159,0	5112,5	5292,3	5057,5
Картошка	305,2	307,5	324,6	334,6
Сабзавот	2505,8	2626,3	2596,1	2726,8
Полиз маҳсулотлари	930,3	842,2	931,8	948,2
Мева ва резавор мева (цитрус мевалар бу ҳисобга кирмайди)	780,9	615,2	543,2	651,6
Узум	614,8	630,1	416,1	731,9

Умуман республикада дон экинлари ҳосилдорлиги (дастлабки қабул қилинган вазнда) 1989 йилги 18,6 центнер ўрнига 20,4 центнерни, картошка ҳосилдорлиги 92 центнер ўрнига 80 центнерни, сабзавот ҳосилдорлиги 193 центнер ўрнига 189 центнерни, полиз экинлари ҳосилдорлиги 102 центнер ўрнига 119 центнерни, пахта ҳосилдорлиги 26,9 центнер ўрнига 27,6 центнерни ташкил этди.

Асосий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бир мунча кўпайганига қарамай, дон, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, резавор мева ва узум етиштириш давлат буюртмалари бажарилмади. Давлатга дон сотиш давлат буюртмаси 16 фоиз, картошка 9 фоиз, ҳўл мева ва резавор мева — 3 фоиз ва узум сотиш давлат буюртмаси 4 фоиз бажарилмай қолди.

Қорақалпоғистон МССР, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг хўжаликларида дон харид қилиш аввалги йилга нисбатан кўпайди. Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 1989 йилга нисбатан давлат йўли билан картошка харид қилиш, Тошкент ва Фарғона вилоятларида сабзавот, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида полиз маҳсулотлари харид қилиш камайди.

1991 йил ҳосили учун замин тайёрлаш ишлари амалга оширилди. 2020,5 минг гектар ер шудгор қилинди. 713,8 минг гектар ерга кузги экинлар, шу жумладан 639,0 минг гектар ерга дон экилди.

Умумиттифоқ фондига сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш режаси бажарилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштириш қуйидагича ўзгарди:

(минг тонна)

	Бир йилда ўртача			
	1981—85 йиллар. да	1986—90 йиллар. да	1989 й.	1990 й.
Гўшт (сўйилган вазнда)	377,8	439,7	477,8	491,3
Сут	2447,8	2789,1	2929,3	3024,7
Тухум, миллион дона	1773,3	2300,3	2429,1	2478,0
Жун (табиий вазни)	24,1	24,6	24,4	25,7

Сўнгги йилларда республикада чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди, бироқ аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинлик пасаймади.

1990 йилда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 33,7 килограммни ташкил этди ёки беш йилликнинг дастлабки тўрт йилидаги ўртача даражадан 4 килограмм кўпайди. Шу даврда аҳоли жон бошига сут истеъмол қилиш 18 фоиз кўпайди.

Барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш маълумотлари қуйидагича:

(минг тонна)

	1986—1990 йиллар (йилига ўртача).	1989 й.	1990 й.
Чорва моллар ва парранда (тирик вазнда)	355,9	372,1	363,4
Сут	957,1	1005,3	1006,3
Тухум, миллион дона	1405,7	1496,1	1508,1
Жун (соф толага айлантириб ҳисоблаганда)	18,6	18,8	19,4
Қоракўл, минг дона	1406,9	1436,6	1327,2
Пилла	32,3	27,4	32,8

Ҳисобот маълумотларига қараганда чорва моллар сони қуйидагича ўзгарган:

(1 январгача минг бош)

	Барча тоифадаги хўжаликларда		Шу жумладан аҳолида	
	1990 й.	1991 й.	1990 й.	1991 й.
Қора моллар	4180,2	4437,0	2443,2	2725,4
Шу жумладан Сигирлар	1644,7	1772,7	1206,8	1336,9
Чўчқалар	742,9	691,6	13,5	19,3
Қўй ва эчкилар	8785,6	8968,2	3260,5	3611,8

Самарқанд вилоятидаги колхозлар ва совхозлар ҳамда хўжаликлараро корхоналарда қорамоллар, шу жумладан, сигирлар, Андижон, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари хўжаликларида — чўчқалар, Андижон ва Фарғона вилоятларида қўй ва эчкилар анча камайишига йўл қўйилган.

Республика колхоз ва совхозларида бир йил ичида ҳар сигирдан соғиб олинган сут ўртача 2576 килограммни ташкил этди, ҳар бир товуқ 184 дона тухум қилди.

Молларни ем-хашак билан таъминлаш етарли эмас. Чунончи 1990 йил 1 декабригача жамоа хўжаликларида, давлат хўжаликларида ва хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарида 2404,6 минг тонна озуқа бирлиги тайёрланган, бу эса режа топширғининг 93,2 фоизига тўғри келади. Ҳар бир шартли мол ҳисобига (ем сифатида бериладиган дондан ташқари) топширикда кўзда тутилган 13,6 центнер ўрнига 12,7 центнер озуқа бирлиги тайёрланган. Қорақалпоғистон МССР, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари хўжаликларида молларни ем-хашак билан таъминлаш ёмон аҳволда.

Ўтган йили республика қишлоқ хўжалиги 1989 йилдагига нисбатан 1,8 минг дона трактор косилкасини ва 3,3 мингта культиваторни, ерга органик ўғит соладиган 1,6 мингта машина ва 603 дона пахта териш машинасини кам олди.

Қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлайдиган заводлар моддий ресурслар билан етарли таъминланмаганлиги, бутловчи буюмларни етказиб беришдаги узилишлар, бундан ташқари истеъмолчиларнинг қиммат турадиган ва ҳозирги даражага мос келмайдиган қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришга шартнома тузишдан воз кечганлиги қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш ҳажмининг камайишига катта таъсир қилди.

Минерал ўғитлар, шу жумладан, ем-хашакка қўшиладиган кимёвий моддалар етказиб бериш шартномавий мажбуриятлари бажарилмади, қишлоқ хўжалигига 1,1 миллион тонна (100 фоиз озуқа моддасига айлантириб ҳисоблаганда) минерал ўғит етказиб берилмади.

Деҳқончилик-саноат соҳасини ривожлантиришга давлат сармоялари ҳисобидан 2,7 миллиард сўм сарфланди, бу эса халқ хўжалиги умумий ҳажмига давлат сармоясининг 49 фоизини ташкил этади.

Деҳқончилик-саноат соҳасига сарфланган маблағ умумий ҳажмининг 94 фоизи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга ишлатилди. Деҳқончилик-саноат соҳаси ходимлари учун умумий саҳни 6,1 миллион квадрат метр уй-жой қурилди, Бу режанинг 121 фоизини ташкил этади. 29,9 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари (103 фоиз), бир сменада 5,1 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар (113 фоиз) фойдаланишга топширилди.

Гўшт учун боқиладиган 2, 9 миллионта паррандага мўлжалланган паррандачилик фабрикаларининг 42 фоизи, тухум олишга мўлжалланган 200 мингта товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикаларининг 80 фоизи, 3,7 минг бош чўчқа боқиладиган ва семиртириладиган чорвачилик комплексларининг 3 фоизи фойдаланишга топширилмади.

Деҳқончилик-саноат соҳасининг қайта ишловчи тармоқларини ривожлантиришга 160,7 миллион сўм сармоя ёки йиллик лимитнинг 86 фоизи сарфланди.

Элеваторлар, тегирмон ва омихта ем корхоналари ҳамда бошқа иншоотлар қуришни қониқарсиз бўлди.

Режага мувофиқ мелиоратив қурилиш харажатлари 66,7 миллион сўм камайди, қишлоқ хўжалигига сарфланган сармоя ҳажмида уларнинг улуши 1989 йилдаги 50 фоиз ўрнига 54 фоизни ташкил этди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1990 йилда халқ хўжалигида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан (ҳисобга олинган соҳалар бўйича) 7,3 миллиард сўм сармоя ўзлаштирилиб, 6,2 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Давлат капитал маблағлари умумий ҳажмида корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағининг улуши 1989 йил даражасида қолди ва 39 фоизни ташкил этди.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва янгилаш миқёслари камайди. Ана шу мақсадлар учун 1274 миллион сўм давлат сармояси ишлатилди, бу эса аввалги йилдагига нисбатан 1 фоиз камдир.

Шу билан бирга 1990 йилда капитал қурилишнинг кўзда тутилган режа топшириқларидан сурункали орқада қолиши тағин ҳам кучайди. Давлат сармоялари ҳисобидан (ташкилотлар ва корхоналар режаларининг йиғиндисига кўра) асосий фондларни ишга туширишнинг йиллик топшириғи 80 фоиз бажарилди. 1989 йилга нисбатан асосий фондларни фойдаланишга топшириш 2 фоиз камайди.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари капитал маблағ сарфлаш лимитларини 95 фоиз, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланадиган лимитларни 98 фоиз ўзлаштирдилар.

Давлат буюртмасидаги 45 та саноат иншоотидан атиги 31 та иншоот фойдаланиш учун қабул қилиб олинди. 1989 йилда фойдаланишга топширилмай қолган давлат буюртмасига тааллуқли олтита иншоотни ишга туширишнинг ҳам таъминланмади. Қурилишдаги ишларнинг бундай аҳволи қурилиш режаларининг моддий ресурслар билан мутаносиблаштирилмаганлиги, қурилишларнинг моддий-техника таъминотидаги беқарорлик билан боғлиқдир.

Фойдаланишга топширилган давлат буюртмаси қувватлари ва иншоотлари орасида Тахиатош ГРЭСининг 5-энергоблоки, Ўзбекистон металлургия заводидаги қора металлар прокати, Самарқанд лифтсозлик заводидаги лифтлар, Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинатида линолеум ишлаб чиқарувчи қувватлар, Ангрен кўмир конида кўмир қазиб чиқарувчи қувватлар ва бошқалар бор.

Республика қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 2,8 фоиз, меҳнат унумдорлиги — 0,2 фоиз камайди. Ишга туширилган иншоотларда пудрат ишлари режаси 99,5 фоиз бажарилди, Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитети, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминлай олмади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг барча турларидаги **юк жўнатиш** йиллик режаси 100,1 фоиз бажарилди, 1990 йилда 357,8 миллион тонна юк жўнатилди, бу 1989 йилдагидан 6 фоиз кам.

Темир йўл транспортида 73,8 миллион тонна юк жўнатилди, бу эса режадагидан 1 фоиз кўп ва аввалги йилдаги даражадан 1,4 фоиз камдир. Давлат буюртмасидаги юкларнинг 12 туридан цемент, минерал ўғит, дон ва тегирмон маҳсулотларини жўнатиш режалари таъминланмади.

1989 йилга нисбатан нефть маҳсулотларини жўнатиш 0,4 миллион тонна ёки 4,2 фоиз, минерал ўғитлар жўнатиш — 0,2 миллион тонна ёки 4,5 фоиз, пахта толаси жўнатиш — 150 минг тонна ёки 10,8 фоиз, ёғоч-тахта жўнатиш — 26 минг тонна ёки 24,3 фоиз камайди.

Мамлакат темир йўлларининг тўсиб қўйилиши, фойдаланиш даражасининг пасайиши, юк оқимининг ўзгариши, юкларни етказиб бериш муддатларига риоя қилмаслик, поездлар ҳаракати жадвалларининг бузилиши темир йўл транспорти фаолияти натижаларига салбий таъсир қилди.

1990 йилда юк вагонларининг темир йўллардаги обороти умуман режадагига нисбатан 1,7 соат ёки 1,4 фоиз секинлашди. Юк поездларининг 16,8 фоизи йўллардан ўтишида жадвал бузилди.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1990 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОИЙ—ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

(Давоми. Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

Республика корхоналари ва ташкилотларининг шох темир йўлларида юк ортиш ва тушириш ишлари чоғида вагонларнинг тўхтаб қолиши давом этди. Айниқса, қурилиш, металлургия, машинасозлик корхоналарида вагонлар кўпроқ туриб қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлигига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг шох йўлларида юк ортиш ва тушириш пайтида вагонларнинг бекор туриб қолиши меъёрдагидан ўртача 1,5 баравар, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги вазирлиги корхоналарида — 22 фоиз, СССР минерал ўғитлар вазирлиги корхоналарида 20,6 фоиз, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги корхоналарида 16,8 фоиз, СССР Металлургия вазирлиги корхоналарида 7,1 фоиз кўпайди.

Умуман республикада корхоналар ва ташкилотларнинг шох йўлларида юк ортиш ва тушириш пайтида вагонларнинг бекор туриб қолиши меъёридан ўртача 25 фоиз ортиб кетди, натижада юк ортиш ва тушириш ресурсларидаги йўқотиш 26 мингдан кўпроқ вагонни ташкил этди.

Автомобиль транспорти юк ташиш йиллик планини 4,9 миллион тонна ёки 1,8 фоиз ошириб бажарди. 1989 йилга нисбатан юк ташиш 6,6 фоиз камайди ва 282,9 миллион тоннани ташкил этди.

Транспортдан фойдаланишда яхшиланиш кўзга ташланмаяпти: юк ортилган автомобиллар қатнови 1989 йилги даражадан 7,4 фоиз кам бўлди, юк автомобилларидан фойдаланиш коэффициенти 1989 йилдаги 65,6 фоиз ўрнига камайиб 65,2 фоизга тушиб қолди, ремонт пайтида ва ремонтни кутиб юк автомобилларининг бекор туриши ҳаддан ташқари (17,2 фоиз) кўп.

Авиация транспортида (почтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 63,2 минг тонна юк жўнатилди, бу эса режалаштирилганига нисбатан 5,8 фоиз, 1989 йилдагидан 5,1 фоиз кўп.

Умумий фойдаланишдаги транспорт барча турлари (темир йўл, автомобиль, авиация транспорти) **пассажир обороти** 1990 йилда 34,6 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Пассажир обороти йиллик режасини темир йўл транспорти 101,2 фоиз, авиация транспорти 101,1 фоиз бажарди. 1989 йилга нисбатан умумий фойдаланишдаги транспортнинг пассажир обороти 0,8 фоиз, автомобиль транспортининг пассажир обороти 3,6 фоиз камайди.

Умумий фойдаланишдаги транспорт билан 1990 йилда 3 миллиарддан ортиқ киши ёки аввалгига нисбатан 1,2 фоиз кўп одам, шу жумладан, автомобиль транспортида 2,3 миллиард киши ёки аввалги йилдагига нисбатан 1,6 фоиз кўп одам манзилига етказилди.

Автобуслар ва енгил таксомоторларда йўловчиларни ташишдан 452,1 миллион сўм даромад олинди, бу эса режада кўзда тутилганидан 10,8 миллион сўм ёки 2,5 фоиз кўп, бироқ бу 1989 йилдагидан 5,8 миллион сўм ёки 1,3 фоиз камдир.

Йўловчиларга хизмат қилиш сифати яхшиланмаяпти. 1990 йилда 9,8 минг самолёт ва вертолёт, 5 миллион автобус вақтида келмади ёки кеч келди, 3,2 минг темир йўл поезди кечикиб келди.

Алоқа корхоналари 1990 йилда аҳолига 113,5 миллион сўмлик ёки 1989 йилдагига нисбатан 4,9 фоиз кўп хизмат қилди. Айни пайтда режа 96,9 фоиз бажарилди. Почта алоқаси почта жўнатмалари ва юборилаётган пулнинг сақланишини тўла таъминламаяпти. Газета-журналлар ва хатларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари рўй бермоқда. 1991 йил 1 январида умумий фойдаланишдаги телефон тармоқларида асосий телефон аппаратлари сони 1990 йил 1 январига нисбатан 71,8 мингта кўпайди ва 1478,4 мингтани ташкил этди. Шу билан бир вақтда уйга телефон ўрнатиш учун берилган жуда кўп аризалар қаноатлантирилмаяпти.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Сўнгги йилларда республикада хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар жадал ривожланди. Ўтган йили ташқи бозорга чиққан корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар, қўшма корхоналар кўпайди.

1990 йилда умуман республика бўйича чет элга маҳсулот чиқариш ҳажми 1 миллиард сўмликдан кўпроқни ташкил этди, бу 1989 йилдагига нисбатан 460,3 миллион сўмлик ёки 29 фоиз камдир.

Шартномавий мажбуриятлар 2,3 фоиз ёки 26,2 миллион сўмлик бажарилмай қолди. СССР нефть химияси саноати, СССР Металлургия ва СССР Оғир машинасозлик вазирликларига, давлат агрохимия уюшмасига, Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигига, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлигига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигига, Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетига, Ўзбекбирлашувга ва бошқа идораларга қарашли корхоналар ҳамда ташкилотлар шартномавий мажбуриятларини бажармадилар.

1990 йилда чет элга чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмида фақат 67,5 миллион сўмлиги эркин алмаштириладиган валютага сотилди. Бу эса 1989 йилги ҳажмдан 1,7 миллион сўмлик ёки 2 фоиз кам.

Аввалги йилларда бўлгани каби чет элга чиқарилаётган маҳсулотда хом ашё (пахта, минерал ўғит, цемент, пилла, ошланмаган тери, қоракўл тери) асосий қисмини ташкил этмоқда, улар чет элга етказиб берилган умумий маҳсулот ҳажмининг 87 фоизини ташкил этади.

Умуман, республика бўйича товар айирбошлаш (бартер) операциялари чет эл валютасида 9,6 миллион сўмни ташкил этди, бу эса аввалги йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўпдир.

«Ўзбекинторг» ва «Узагроинторг» ташқи савдо бирлашмалари экспорт-импорт операцияларининг ҳажми чет эл валютасида салкам 63 миллион сўмни ташкил этди. Австрия, Афғонистон, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Польша, Югославия, Япония билан ўзаро савдо-сотиқ муваффақиятли бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲИСОБ КОМИТЕТИ

ИСРОФ—ГУНОҲ

Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим. Инсоннят ўз ҳаёти давомида турли ҳолатларни кечиради. Хурсандлик ва ҳафалик, барака ва қаҳатчилик, уруш ва тинчлик, тўқчилик ва етишмаслик каби бир-бирига зид ҳолатлар ҳам бўлиб туради.

Фалакнинг гардиши айланиб кўплаб мамлакатларда ўз кўзимиз билан кўрганимиз каби бизнинг юртимизда ҳам ҳозирда таҳчиллик бошланиб турибди. Аллоҳга шукур, бизнинг диёримизда бошқа жойларга қараганда ҳолат бироз тузук. Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятлар раҳбарлари бу йил давомида ун ва нон маҳсулотларининг баҳосини оширмаслик, гўшт ва сут маҳсулотларининг нархини иложи борича барқарор ушлаб туриш ҳақида қарор қилдилар. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун ҳам чоралар кўрмоқдалар.

Аммо булар ҳаммаси вақтинчалик чоралар бўлиб, масалани узил-кесил ҳал қилиш дегани эмас. Ҳозирги ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари кўп, бир-бирига киришиб кетган ички ва ташқи сабаблари бор.

Мен ички сабаблардан биттаси ҳақида сўз юритмоқчиман, у ҳам бўлса исрофдир. Исрофгарчилик жамиятимизнинг сиймосига айланиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мен бугун фақат озиқ-овқат бобидаги исрофгарчиликлар ҳақида фикр юритмоқчиман.

Аллоҳ берган ризқ бўлмиш озиқ-овқат маҳсулотларини увол қилмаслик, тежаб-тергаш бизга ёт нарса бўлиб қолди. Ҳатто болаларимиз бир-бирига нон отиб ўйнайдиган, баъзилар дўкондан нон олиб молқўйиқа берадиган бўлдилар. Катта шаҳарларда кунига бир неча тонналаб озиқ-овқат чиқиндиси йиғиладиган бўлиб қолди.

Хуллас, исрофгарчилик турли-туман тарафдан келиб чиқаверадиган бўлди. Бу борада ҳар хил маросимларни эслаб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Охирги пайтда маросимларимиз яна ҳам кўпайиб бормоқда. Туғилган кун, мактабни битирган кун, олийгоҳга кирган кун, ҳарбийга жўнаш куни, ҳарбийдан келган кун, турли «гап»лар, машина олгани учун маросим ва ҳоказо. Уларни санаб тугатиш ҳам қийин. Энг ёмон томони шундаки, бу маросимларнинг барчаси ароқхўрлик учун қулай фурсат бўлиб қолди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кони зарар бўлган бу касофат ароқнинг бир шишасининг қимматига 10—15 кишини тўйдирадиган нон келади. Маросимлар ҳаммаси «Мен сендан қоламанми?» тарзида ўтказилади. Нима бўлса бўлсин, лекин кўпроқ одам келсин ва дастурхондан қойил қолиб кетсин. Ҳаммаси риё учун бўлади. Бу борада қанча гапирсак шунча оз. Лекин аслида қандоқ бўлмоғи керак?

Исроф мусулмонларга мутлақ ёт нарса, катта гуноҳ ҳисобланади. Алло Таоло Қуръони Каримда: «Енглар, ичинглар ва исроф қилманглар. Албатта у (Аллоҳ) исрофчиларни яхши кўрмайди» деган.

Ҳа, дунёда яшаш учун еб-ичилади, емоқ учун яшалмайди. Исроф қилмаслик Аллоҳнинг буйруғи, ким исроф қилса Аллоҳга осий бўлади. Ортиқча кўп емоқ ҳам исроф. «Исроф» сурасида эса: «Албатта исрофчилар шайтоннинг биродарлари бўлганлар. Ва шайтон эса ўз роббисига: кофир бўлган» дейилган. Менимча, бу ерда изоҳнинг ҳожати йўқ.

Ислом шариатида маросим қилиб кишиларга таом бериш савоб, молиявий ибодатдир. Лекин бу маросимлар аслида аввало оч-ночор, муҳтож кишиларни тўйғазиш учун жорий қилинган. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Исломнинг аввалида, оч-ночорлар кўп вақтда қурбонликка сўйилган гўштларни тезда садақа қилиб юборишга, уч кундан ортиқ сақламасликка буюрганлар. Кейинроқ тўқчилик бўлганда садақа қилиш, ўзи ейиши ва сақлаб қўйишга ҳам рухсат берганлар. Буюк ватандошимиз Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда пайғамбаримиз алайҳиссалом; «Таомларнинг энг ёмони, бойлар таклиф қилиниб, камбағаллар чақирилмаган (валийма) маросимнинг таомидир» деганлар.



Ҳозирги маросимларга иложи борича қорни тўқлар таклиф қилинади. Чунки аввал айтганимиздек маросим риё учун, мақтаниш учун қилинади. Бу ҳолат айниқса раҳбар ва пулдор доираларда авж олган. Қолганлар эса улардан қолишмасликка уринади ва натижада қийин аҳволга тушиб қолади. Имом Аҳмад Ибн Ҳанбал Марвазий ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад алайҳиссалом: «Риё ва фахр учун маросим қилганларнинг таклифи қабул қилинмайди ва таомлари ейилмайди» деганлар.

Исломда агар инсон ўзи назр қилмаса ва каффорот лозим бўлмаса мажбурий маросим йўқ.

Киши ўзидан орттирганда, исроф қилмай жойини топиб хайри-эҳсон қилса савобга эга бўлади.

Хайри садақанинг энг савоблиси энг махфийси бўлади. Кўз-кўз қилиб юзта қорни тўққа ош тортгандан кўра, билдирмасдан бир камбағал оилага ёрдам берган минг марта афзал.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида, ўнг қўлинг қилган садақани, чап қўлинг сезмасин дейилган. Шунинг учун ҳам уламоларимиз муҳтож кишиларга кийим-бош, озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсалар билан ёрдам берганларга улкан савоблар бўлишини уқтириб ўтганлар.

Азизлар, исрофга йўл қўймайлик, Аллоҳнинг амрини бажо келтирайлик, бўлмаса гуноҳкор бўламиз.

Шариатда йўқ, харом-хариш маросимларни йўқотайлик. Кундалик ҳаётимизда, оиламизда, иш жойимизда ва маросимларимизда тежамкор бўлайлик. Муҳтож биродарларимизга ёрдам берайлик. Ана ўшанда бу борада шариатимиз кўрсатмаларига амал қилган бўламиз. Савобга эга бўламиз ва энг муҳими Аллоҳнинг розилигини топган бўламиз.

Муҳаммад СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ,
Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий, СССР халқ депутати.

• НОН—РИЗҚУ-РЎЗИМИЗ

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Сайёҳлик-экскурсия ташкилотлари, Чет эл сайёҳлик давлат комитети, «Спутник» халқаро ёшлар сайлгоҳи бюроси, сайёҳлик ширкатлари, хўжалик ҳисобидаги фирмалар, ресторанлар ва меҳмонхона хўжаликларининг раҳбарлари, лицейлар ва коллежлар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта ўқув юртларининг директорлари, клублар, шунингдек барча хоҳловчилар

ДИҚҚАТИГА!

САЙЁҲЛИК-ЭКСКУРСИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ (САФ ИПК РТЭО)

сайёҳлик тармоғининг барча тонфали ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишида ишбилармон кишилар олдида чексиз имкониятларни очиб беради.

Малака ошириш институтининг Ўрта Осиё бўлими мутахассисларни тайёрлашнинг юқори касбий савияда бўлишини кафолатлайди.

САЙЁҲЛИК ВА ЭКСКУРСИЯЛАР СОҲАСИДА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ:

— директорлар, сайёҳлик гуруҳларининг раҳбарлари ва йўлбошловчилари, ташкилотчилар, услубиётчилар, ҳисобчилар, маъмурият ходимлари, ходима (оқсоч)лар, ошпазлар, официантлар, метрдотел (ресторан ва меҳмонхоналарда бош ошпаз, мезбон)лар, олиш-сотиш (калькуляция) ҳисобчилар, автотранспорт корхоналарининг диспетчерлари, жамоатчи сайёҳлик кадрлари ва ҳоказоларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда;

— услубий ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштирган ҳолда экскурсияларни ташкил қилиш ва мазкур йўналиш бўйича йўлбошловчиларни тайёрлашда;

— услубий тасвияномалар, бюллетенлар, маълумотномаларни ёзишда;

Сизга ишончли шерик бўлади

Сиз менежмент, маркетинг, чет эл бозорига чиқиш йўллари, катта ва кичик бизнес, акционерлик жамиятлари ва бирлашмалари, банк иши ва сайёҳлик бобидаги солиқлар тартиби каби муаммоларга оид билимларингизни фақат Малака ошириш институтининг Ўрта Осиё бўлими томонидан ташкил қилинаётган семинар ва сайёҳлик бизнеси мактабларидагина кенгайтириб, мустаҳкамлай оласиз!

Ўқитувчилар сифатида мамлакатимиз ва чет эллардан юқори малакали мутахассислар ва ўқитувчилар жалб қилинадилар.

Ўқитиш бизнинг корхонамиз негизида бўлгани каби Сизнинг корхонангиз негизида ташкил этилиши мумкин. Малака ошириш институти Ўрта Осиё бўлимидаги нарх-наволар ҳозир тавсия қилинаётган тижорат нархларидан арзон бўлиб, ўқиш охирида олинган дипломлар Совет Иттифоқининг исталган шаҳрида ҳақиқий ҳисобланади.

Ҳамкорлик учун Сиздан нима талаб қилинади? — Сизнинг талабномангиз (унинг асосида Малака ошириш институтининг Ўрта Осиё бўлими буюртмачига шартнома, ҳисоб-китоб қоғозлари (калькуляция) ва ўқув режаларини тақдим этади). Ана шунда Сиз биз билан биргаликдагина муваффақият қозонишингизга ишонч ҳосил қиласиз!

Талабномалар ташкилотлардан ҳам, хусусий шахслардан ҳам қабул қилинаверади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Раҳматуллин кўчаси, 314-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон: 62-25-21.

ЧОРРАҲАДАГИ ЧИРОҚЛАР

Давлат автомобиль инспекцияси ишига халақит бераётган муаммолар ҳусусида

Яшириб нима қиламиз: ДАИ инспекторининг саратон жазирамаси ва қиш чилласида ҳам ўз постида туришига ҳаммамиз ҳар хил қараймиз. Бироқ ман-ман деган ҳайдовчи ҳам ДАИ инспекторини кўргач, ўзини дарҳол ҳушёр сезади. Аммо ҳар қанча ҳайиқса-да, у ҳақда ҳамма ҳам ижобий фикр билдиравермайди. Чунки йўл ҳаракати қоидасини бузмайдиган ҳайдовчи кам.

Биз ишчи, қишлоқ хўжалик ходими ёки зиёлилар иш шароитини яхшилаш хусусида тинмай қайғурамиз. Бироқ милиция ходиминнинг, хусусан, ДАИ инспекторларнинг меҳнат шароитлари ҳақида гапириш ғайри табиийдек туюлади.

Аммо ДАИ ходимлари нечоғлиқ мураккаб шароитда ишлаётганлигини хаёлимизга келтирмаймиз. Уларнинг ҳам дарду ҳасратлари, ташвишлари бор... Қоидага кўра, давлат аҳамиятига эга бўлган йўлнинг 20 километрини назорат қилишга битта инспектор штати берилади. Демак: агар Самарқанд вилояти ҳудудида 1,5 минг километрдан ортиқ Иттифоқ ва жумҳурият аҳамиятига молик йўл борлигини назарда тутадиган бўлсак, бу масофада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун камида 80 нафар йўл-патрул хизматчиси керак. Аммо вилоятда ҳозирча уларнинг сони 70 нафар, холос.

Сиз албатта, бор-йўғи 10 нафар инспектор учун шунча гапми, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, иш меъёри ДАИ ходимлари учун бир смена ҳисобидан белгиланади. Бироқ сиз эрталаб 8 дан кеч 5 гача ишлаб, уйга қайтган ДАИ ходимини кўрганмисиз? Керак бўлса кечаси ҳам ишлашади. Ахир улар ҳам оилага, бола-чақага қараши керак, тўй-маърака қилиши лозим. Қолаверса, меҳнат отпускасига чиқишади. Демак, бундай пайтда йўлнинг маълум қисми назоратсиз қолиши турган гап.

Қишлоқ жойларда мавжуд транспорт воситалари 1.050 тадан ошгач, ўша ноҳияга бир нафар давлат автомобиль назоратчиси штати берилиши зарур. Аммо маблағ танқислигидан кўпинча бу қоидага риоя қилинмайди. Мисол учун ҳозир Ургут ноҳиясида транспорт воситаси 8 мингдан ошиб кетди. Аммо бу ноҳияга бор-йўғи бир нафар давлат автоназоратчиси штати берилган.

Қоидабузарларга қарши курашиш учун энг аввало ДАИ инспекторлари замонавий техника воситалари билан таъминланган бўлиши шарт. Акс ҳолда ўзи билан ўзи овора бўлиб қолаверади.

— Минг афсуски, ихтиёримиздаги техника воситалари мутлақо талабга жавоб бермайди, — дейди куйинчаклик билан вилоят ички ишлар бошқармаси ДАИ бўлими бошлиғи майор О. Муҳиддинов. — Нормадаги 72 та ўрнига 28 та машинани ишлатиб турибмиз. Уларнинг 10 таси бутунлай яроқсиз ҳолга келган. Хизматни нормал ташкил этиш учун яна 35 та мотоцикль 50 та газ ва тутун ўлчагич, 30 та тезликни кўрсатувчи асбоблар етишмайди.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўлинмаси бошлиғи Т. М. Маҳмудов билан суҳбат давомида яна бир муаммонинг тафсилоти билан танишдик.

— Биласизми кўчалардаги чизиқлар, светофор ва йўл белгиларининг тартибсизлигида бевосита бизнинг айбимиз йўқлигини исботлаш қийин бўляпти. Ахир йўлларнинг чиройли бўлишидан аввало биз манфаатдормиз-ку!

Маълум бўлишича, илгари ҳар бир район ички ишлар бошқармаси ҳузурида йўл созлаш ва ундан фойдаланиш участкаси бўлган. Керакли материаллар район ижрокоми орқали жуда осон олинаверган. Энди эса ана шу участкалар жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ҳузурида алоҳида трестга олиб берилган. Ўшандан бери таъминотнинг тайини йўқ. Мисол учун ўтган йил давомида Самарқанд вилояти учун шаҳар ва район марказларидаги йўлларни бўяшга бор-йўғи 4 тонна бўёқ ажратилди. Ваҳолонки, бунинг учун камида 18 тонна бўёқ керак эди. Бир йил давомида бирорта ҳам светафор, йўл белгилари олинмади. Бунинг устига трестдан «Йўл созлашда ишлатиладиган хизмат машиналарини 1991 йил биринчи кварталида ёнилғи билан таъминлай олмаймиз» деган телефонограмма келди. Шундай экан, трестнинг нима кераги бор эди?

Биз бу ташкилотни ўз номи билан давлат автомобиль инспекцияси деб аталмиз. Афсус, бу идора давлат ғамхўрлигини мутлақо ҳис қилмаяпти. Техника воситалари кун сайин ортиб бораётган бир пайтда йўл-патрул хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш устида ҳеч ким ўйлаб кўрмаяпти. Бизнингча, ДАИ хизматини ёки бутунлай давлат таъминотига олиш зарур ёки тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш керак. Гап маблағ масаласига келиб тақалди. Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Ўтган йили Самарқанд вилояти бўйича йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчилардан 5 миллион сўм жарима тўпланган. Афсуски, бу пулнинг бир тийини ҳам вилоятда қолмайди.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Биз ДАИ фаолиятидаги айрим муаммоларни айтиб ўтдик, холос. Аммо бу масала битта тармоқ доирасида ҳал қилинмайди. Шу боисдан эҳтимол мазкур муаммони халқ депутатлари ҳукмига, аниқроғи, жумҳурият Олий Кенгашига ҳавола этамиз!

Фармон ТОШ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАР ДОНАСИ БИР ГАВҲАР

Бу на гумбаздур эшиги тўйнугидан йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар . манзил айлабдур макон...

Улуғ шоир Увайсий қаламига мансуб ушбу сатрлар кўнглимиздан кечган замони кўз ўнгимизда табиатнинг тансиқ неъмати—анор намоён бўлади. Шоирамиз қора баркаш узра қирмизи анорни бахмал осмондаги ойга ўхшатганларида ҳам ҳақдирлар.

Ҳа, хушхўр анор шарбати кўнгилларни чоғ, руҳларни тетик қилади. Аммо ҳозирги қиш-қировли кунларда дўконларимиз ва бозорларимиздаги анорларни куздагидек тотли ва тоза асраш бу энди табиат ҳиммати эмас, балки боғбонларимиз кўрсатаётган меҳр самарасидир.

Олтинкўл районидаги тайёрлов ишлаб чиқариш кооператив савдо корхонаси ходимлари аҳолига етказиб бераётган қирмизи анорларни тотиб кўрганлар бунга амин бўладилар. Бу ерда анорларни сақлаш учун мўътадил иқлимли, ёғоч пештахталардан иборат махсус хоналар қурилган.

Суратда: корхона хизматчиси МАЪМУРЖОН АҲМЕДОВ аҳолига сотиш учун сақланаётган анорларни кўздан кечирмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

УЙДА ПОРТЛАШ

Каттақўрғон шаҳри Ингичка кўрғонидаги кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида яшовчи Р. Тўхтарова хонадонида суюлтирилган газнинг зич ёпилмаган идишдан чиқиб кетиши натижасида портлаш юз берди. 12 та квартира шикастланди, шулардан иккитаси бутунлай вайрон бўлди. Р. Тўхтарова қаттиқ куйган ҳолда касалхонага ётқизилди. Иккинчи жабрланувчи — А. Миникаев бахтли тасодиф туфайли енгил яраланди, холос. Бу уйда яшовчи бошқа одамлар ишга ва ўқишга кетишган эди.

Бошпанасиз қолган 12 оилага Қўрғон фондидан уй-жой ажратилди. Оператив-тергов гуруҳи портлаш сабабларини аниқламоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

СПОРТ

БОКС: МУКОФОТЛИ ЎРИНЛАР

● Қозон шаҳрида чарм қўлқоп усталарининг мамлакат чемпионати ўтказилди. Ғолиблик учун кураш муросасиз баҳсга айланди. Республикамиз боксчилари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Чуночи, 75 килограмм вазнли Игорь Бунин ҳал қилувчи баҳсни К. Хабибраҳмонов билан ўтказиб, олтин медалли бўлди. 91 килограмм вазнли Олег Маскаев билан Артур Григорьян (60 кг) чемпионатнинг кумуш медалларини қўлга киритишди.

ОҒИР АТЛЕТИКА: ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

● Белоруссия пойтахтида полвонларнинг мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Республикамиз спортчилари совринли ўринларни олишга ҳаракат қилдилар. Жумладан фарғоналик Нодир Сулаймоновнинг чиқиши мутахассислар эътиборини тортди. У даст кўтаришда 135, силтаб кўтаришда 177 килограммли натижа билан мамлакат чемпиони номига сазовор бўлди.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА ва «САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ
Ансамблининг бадиий раҳбари — **Баҳром АБДУЛЛАЕВ.**
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/II да **Оққуш кўли**, 7/II да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/II да **Нажот истаб**, 7/II да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 6/II да **Нурхон**, 7/II да **Анқовлар чайқови.**

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ахборот агентлигининг (ЎзТАГ) жамоаси ЎзТАГ Қорақалпоғистон бўлимининг бош муҳаррири

Генжабой Нурпеисович ТЛЕУБЕРГАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, математика кулliётининг жамоаси математик таҳлил кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди М. С. Сайдаматовга акаси

Исроилжон АҲРОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунуни маъмуриятю ва физика кулliётї жамоаси шу кулliёт доценти С. Х. Пўлатовага отаси

Ҳошимжон ИМОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4720.

№ 26. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12